Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 5-avgust, seshanba № 94 (3443)

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Чунки Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

Ислом КАРИМОВ

Сифатли маҳсулот — харидор талаби

Навоий вилояти Нурота туманидаги «Шерзод» хусусий корхонаси кўрпа-ёстиқ, мактаб формаси, ишчи кийимлари ҳамда замонавий дизайндаги либослар ишлаб чиқармоқда.

Корхонага ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки молиявий кўмагида қирқта замонавий тикув дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш сифати ва ҳажми сезиларли даражада ошди.

Корхонада элликка яқин киши меҳнат қилмоқда.

Суратларда: корхона ишчилари Шаҳло Одилова ва Зарина Муфтуллаева.

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг энг кенжа тумани саналади. Истиқлол йилларида бу ерда халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланди. 5715 гектар майдонда ғўза парваришлаётган миришкорлар зарбдор 40 кунликда алоҳида жасорат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Шижоатга яраша натижа

«Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ҳасан Рўзиев бошқараётган «Истиқлол» фермер хўжалиги аъзолари учун масъулиятли дамлар кечмоқда. Чўл гармсели тез-тез хуруж қилиб турибди. Шундай пайтда салгина бепарволик қилинса, йил бўйи амалга оширилган тадбирлар саробга айланиши ҳеч гапмас. Буни яхши англаган жамоа ҳушёрликни қўлдан бой бермаётир.

Айтиш мумкинки, масъулиятнинг каттаси бугун механизатор ва сувчилар зиммасида. Улар ҳозиргача мавжуд 153 гектар майдондаги экинга 8 марта ишлов бериб, 3 марта «шарбат» усулида суғоришди. 2 марта озиқлантирилди. Ушбу тадбирларда Аваз Жаҳонов, Нурмамат Авезов, Эркин Хидиров, Юсуф Рўзиев ва Жўра Шосаидовларнинг самарали меҳнати қўл келмоқда. Уларга барча имкониятлар яратиляпти. Дала шийпонида дам олиш хонаси мавжуд. Ҳар куни тушда иссиқ овқат тайёрланади. Мева-чева, полиз маҳсулотлари сероб. Маош ўз вақтида тўланади. Дарвоқе, бу йил хўжаликда баракали ғалла ҳосили етиштирилгани кайфиятга кайфият қўшди. 164 гектар майдондан баракали ризқ-рўз кўтарилди. Давлат шартнома режаси ошириб бажарилгач, 300 тоннага яқин дон хўжалик аъзолари ихтиёрида қолди. Сувчи ва механизаторлар муносиб рағбатлантирилди. Уларнинг ҳар бирига 8-10 тоннадан улуш тегди.

Айни пайтда ҳар туп ғўза сон-саноқсиз муғжа, гул ва 9- 10 тадан тўқ кўсакга эга. Пахтакорлар август ойида тўқ кўсаклар сонини яна 4-5 тага кўпайтириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

— Чўл шароитида 16 нафар доимий аъзомиз билан 316 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз, — дейди фермер Ҳасан Рўзиев. — Долзарб агротехник дамларда мавсумий ишчилар кучидан фойдаланамиз. Биз билан ҳамкорликда ишлаганларнинг меҳнати қадрланади, рағбатлантирилади. Шу боис ҳар йилда белгиланган режа ошириб бажариляпти. Бултур соф даромадимиз 120 млн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиб, 200 млн. сўм соф фойда олишни кўзлаб турибмиз.

Қаерда фермер доно, тадбиркор ва ташаббускор бўлса, омад ҳам, хайр-барака ҳам ўша ерда бўлади. Ҳасан Рўзиев шундай инсонлар сирасидан. У Тошкент давлат аграр университетини битирган, олим-агроном. Узоқ йиллар мобайнида бригада бошлиғи, агроном, ширкат хўжалиги раиси лавозимларида ишлаб, катта тажриба тўплаган. Мана, 16 йилдирки «Истиқлол» фермер хўжалигини бошқариб келаяпти. Ўтган даврда жамоада экин майдонлари ҳажми 40 гектардан 321 гектарга етди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10 баробарга ошди. Ўзи ва аъзоларининг турмуш фаровонлиги кескин яхшиланди.

Жамоанинг галдаги режалари янада истиқболли. Улар кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафига киришга интилишяпти. Йил якунида янги техникалар харид қилинади. Ҳозирги пайтда хўжалик ихтиёрида 150 бош қўй-қўзи, 32 бош қорамол мавжуд. 1 гектарлик сунъий ҳавзада балиқчилик ташкил этилган. 2 гектарда полиз бор. Буғдойдан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида карам, сабзи, шолғом, турп, уруғлик маккажўхори етиштириляпти. Тайёрлаб қўйилган 2 гектарлик майдонда кузда ярим пакана ниҳоллардан иборат мевали боғ яратилади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Шукрона

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қалбимизни байрам шукуҳи, истиқлол шавқи ва ғурури билан тўлдирди. Зеро, истиқлолимиз шону шарафимиздир. Унга муносиб бўлиш, озодлик шукуҳини ҳис қилиб яшаш ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Буни ҳар лаҳзада кўриб, ҳис қилиб яшамоқ учун одамда кўнгил кўзи очиқ бўлиши керак.

Фидойилар керакдир юртга

Муҳтарам Президентимиз ҳамиша ғурур, фахр-ифтихор, она-Ватан, юрт туйғуси ҳақида гапириб келадилар. Ҳақиқатдан ҳам фахрлансак арзийдиган жаннатмонанд Ватанимиз бор, самимий, бағрикенг, олижаноб халқимиз, буюк тарихимиз, улуғ аждодларимиз, қолаверса, шунга яраша ору номусимиз бор. Шундай улуғ элга фарзанд бўлишдек шукуҳ қалбимизда мавж ураётир.

Ўтган давр мобайнида шуни англаб етдикки, Ватан ўз-ўзидан гуллаб-яшнамайди. Токи, ҳар биримиз Ватанга, буюк аждодларимизга, шону шавкатимиз рамзи бўлмиш ҳар сиқим тупроғимизга жонфидо бўлсаккина у гуллаб-яшнайди. Ягона Ватан манфаати эса барчамизни эзгулик йўлида бирлаштиради.

Вақт — одил ҳакам. Мустақилликда ўтган 23 йилда асрларга татигулик ўзгаришлар юз берди. Юртбошимизнинг аниқ кўрсатмалари ва узоқ истиқболга туташ режаларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш натижаси ўлароқ, кенг кўламли ишлар тобора юқори суръатларда давом эттирилмоқда.

Муҳими, одамларда ўзлигини англаш ҳисси юксалиб, «Биз киммиз ва кимларнинг авлодларимиз?» деган тушунча «Мен ўзим кимман, юртим учун нима қилдим?» дея ўз-ўзини саволга тутишлар билан янада чуқурроқ маъно касб эта бошлади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон фуқароси эканлигидан ғурурланиш, унинг барқарор ва бардавомлиги учун масъуллик ҳисси тобора кучайиб бормоқда. Бу яхши ва жуда яхши аломатдир.

ЭЗГУЛИК ИЗЛАРИ

Ҳар бир халқнинг муборак қадамжолари бўлади. Мустақиллик майдони биз учун ана шундай табаррук маскан. Ҳар гал Истиқлолимизнинг улуғвор тимсоли бўлган Мустақиллик майдонига борганимда кўнглимда ажиб ҳаяжонли, туйғулар кечади.

Яқинда Бухородан 80 ёшдан ошган Қамар бобо билан уста Баҳодир неваралари олиб меҳмонга келишди. Ҳаво иссиқ бўлгани учун меҳмонларни тунги Тошкент сайрига олиб чиқдик. Чароғон кўчалар, бир-биридан гўзал иморатлар уларни ҳар қадамда завқлантирарди. Айниқса, Қамар бобони Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси узра чарх урриб турган турналар, тинчлик-осойишталик рамзи бўлган лайлаклар неваралaридан кўра кўпроқ ҳайратлантирди.

— Лайлаклар — хосиятли қуш, яхшилик, хайр-барака, тинчлик ва осойишталик рамзи. Уларнинг ерга қанот тегизиб учишида ўзига хос хосият бор: аввало тинчлик бўлади, қолаверса, ҳосил мўл, халқнинг ризқи улуғ ва баракали бўлади.

Нурни эслатгувчи оппоқ йўлаклар узра оҳиста сайр қиламиз. Аждодларимиз орзу-умидларининг рамзига айланган Мустақиллик ва Эзгулик монументи, олижаноблигимиз, болажонлигу оилапарварлигимиз ифодаси — Бахтиёр она тимсоли пойига борарканмиз, мен улардан ҳам кўпроқ ғурурланаман. Боболардан мерос бу ғурур аслида, Истиқлол шарофатидан эканлигига амин бўламан.

(Давоми 4-саҳифада).

Қаршидаги «Cotton Road» қўшма корхонаси маҳсулотларининг чет элда бозори чаққон. Негаки, пахта толасидан тайёрланган кийим-кечаклар ўзининг юқори сифати билан ажралиб турибди.

ХОРИЖДА ҲАМ МАШҲУР

Яқинда Минск шаҳридаги савдо уйига корхонада ишлаб чиқарилган эркаклар, аёллар кийим-кечаклари, болалар футболкалари ва бошқа буюмлар жўнатилди.

Қўшма корхона раҳбари Равшан Бобожоновнинг маълум қилишича, қўли гул тикувчилар тайёрлаган маҳсулотлар нафақат белоруслар, Краснодар ўлкасидаги курортларда даволанувчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Россияликларга кенг ассортиментдаги тайёр аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаклари етказиб бераётган қўшма корхона раҳбарияти Франциянинг Париж шаҳрида савдо уйини очишга тайёргарлик кўраётир.

Иззат ҲИКМАТОВ

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил фаолият юритаётир. Бу ҳақда кенгаши раиси Қодиржон ПАРПИЕВ шундай дейди:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан илгари сурилган 12 та устувор йўналиш фаолиятимизда муҳим дастуруламалга айланган. Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида имзоланган 2012-2014 йилларга мўлжалланган минтақавий келишувга асосан 11 та вилоят, 31 та туман ва шаҳар миқёсида ҳудудий-тармоқ келишувлари, корхона, ташкилотларда 8884 та жамоа шартномаси орқали 95,5 фоиз юридик шахс қамраб олинди.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

Айни пайтда бирлашма 2944 та бошланғич ташкилот таркибидаги 351269 нафар касаба уюшма аъзосини ўз атрофига жипслаштирган бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вилоят бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши билан қабул қилинган қўшма тадбирлар режаларига биноан самарали фаолият юритилаётир. Янги рўйхатдан ўтган корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ходимларни тизимга жалб этиш бўйича вилоят статистик бошқармасидан касаба уюшмалари ташкилотлари тузилмаган корхона, ташкилот, муассасалар тўғрисида маълумотлар олиниб, вилоят кенгашлари, бирлашган касаба уюшма қўмиталари томонидан таҳлил қилинди ҳамда аъзолик афзалликларини атрофлича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Фуқаролардан тушган меҳнат қонунчилиги ва бошқа қонунбузилишларга оид 31 та ёзма, 92 та оғзаки мурожаат белгиланган тартибда ўрганилди. 20 нафар фуқаронинг талаби қаноатлантирилди. 5 кишининг аризаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига кўра таалуқлилиги бўйича беш кунлик муддатда бошқа корхона ва ташкилотларга юборилди. 99 аризачига ҳуқуқий йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Меҳнат аҳлининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Шу мақсадда 29 марта корхона, ташкилот ва муассасаларда ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2014 йил 24 январдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2013 йил якунлари ва 2014 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига касаба уюшмаси афзаллигини тарғиб қилиш мақсадида Андижон, Хонобод шаҳарлари, Асака, Олтинкўл, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қўрғонтепа туманларида «Катта ҳаётга — касаба уюшмалари билан» шиори остида «Касаба уюшмаларига аъзо бўлишнинг афзаллик ҳамда имтиёзлари» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Бирлашмада ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориляпти. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносида жамоатчилик асосида ташкил этилган «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ёрдам сўраганларга белгиланган тартибда ҳуқуқий маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатаётир.

Вилоят минтақавий келишувидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмунмоҳиятини давр талаби асосида зарур банд, бўлимлар билан бойитиш, бу орқали ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратишга жиддий эътибор қаратилаётир. Натижада, ходимлар иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратиб берилаётган кўплаб имтиёз ва кафолатлардан фойдаланмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қуватлаш, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан жамоат назоратини кучайтириш каби йўналишларда ишлар изчил йўлга қўйилди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Касаба уюшмалари:
ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 5-avgust № 94 (3443)

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

АНДИЖОН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши борасида корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари орқали талай ишлар амалга оширилди. 1100 та корхонадаги кам таъминланган оилаларнинг 2517 нафар вакилига 187 млн. 91 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг 123 нафар фарзандига чет тилларини ўргатиш учун имконият даражасида кўмаклашилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 472 нафар ёш онага 26,4 млн. сўм миқдорида ёрдам берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 39 та оила 390 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар билан таъминланди. Олий ўқув юртларида тахсил олаётган 21 нафар талабага шартнома пулларининг бир қисмини қоплаш мақсадида 16,3 млн. сўм ажратилди. Тармоқ корхоналарига алоқадор эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 329 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларининг 5,5 млн сўми қопланди.

Касаба уюшмалари томонидан ўрта махсус ўқув юртларидаги барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари белгиланган тадбирларнинг жорий йилда таъминланиши, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг касб-ҳунар коллежларининг 2013-2014 ўқув йили битирувчилари иш жойлари қўнимлилигини таъминлаш борасида ҳам жамоатчилик назорати олиб борилди. Шу мақсадда 2014 йилнинг 15 ва 19 март кунлари «Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг ҳамкорлик фаолияти бўйича 2014-2015 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Касб-ҳунар коллежларининг 1600 тасига амалиёт ўташ жараёнида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 32 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Жойларда ўтказилган семинарларда (150 нафардан зиёд бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида) жамоа шартномаларининг янги макетлари қабул қилиниши, уларнинг бажарилиши юзасидан муҳокама йиғилишлари ўтказилиши, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашув бугун ўз натижасини бераётир.

Жамоа шартномаларига Халқаро меҳнат ташкилотининг 138-, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган бандлар киритилди. Корхона, ташкилотларда тармоқ касаба уюшмалари томонидан иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан яратилган янги иш ўринларининг ҳаққонийлиги жойига чиқиб ўрганилди. Мухтасар айтганда, 2014 йилнинг бошидан 94 та корхона ва ташкилотда 946 та янги иш ўрни барпо этилиб, ўтган давр мобайнида 12 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида меҳнат муҳофазаси бўйича ўрганишлар ўтказилди, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди ва амалий-услубий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан 3 та йўналиш бўйича вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

МУШТАРАК

Кези келганда, касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан меҳнат жамоаларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, уларни кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш масалаларида иш берувчилар олдига аниқ талаб ва таклифлар киритилганлигини таъкидлашни истардим. Шундан келиб чиқиб, мингдан зиёд ўқув муассасалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар 600 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ва 800 дан зиёд турли ташкилот, муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналари фаолият кўрсатмоқда. Бирлашма ва барча қуйи

Репортаж

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи кечга томон янада гавжумлашди. «Чотқол дўстларни чорлайди» шиори остидаги анъанавий болалар ижодиёти фестивали ўтказилди.

— Оромгоҳимиз соғломлаштириш мавсумининг уч босқичи давомида пойтахтимиздан, Тошкент, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан таширф буюрган 1700 нафардан зиёд 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларни ўз бағрига олди,— дейди БСО бошлиғи Эркин Деҳқонов. — Дам олдириш жараёнида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, фарзандларимизни юксак ватанпарварлик, буюк аждодлар мероси, миллий маданий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгида ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Чотқол дўстларни чорлайди

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги ҳамда Соғлом бола йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирга Бўстонлиқ туманида жойлашган «Металлург», «Ниҳол», «Ёшлик», Гагарин номли, «Олимпиец» ва «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари дам олувчиларидан ташкил топган ижодий гуруҳлар ҳам таклиф этилди.

Меҳмонлар мусиқа садолари остида кутиб олинди.

Муҳаббат Эргашева, Гагарин номли болалар соғломлаштириш оромгоҳининг маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

— Масканимизда маънавият ва маърифат ишларига катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон куни» ўтказилиб, турли миллий байрамларимиз ҳақида фарзандларимизга тушунчалар бериб борилмоқда. Шунингдек, ҳар куни соат 11.00 да радиоэшиттириш ташкил этганмиз. Унда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бугунги тадбирга ҳам болаларимиз яхши тайёргарлик кўришган. Ишонаманки, чиқишларимиз йиғилганларда яхши таассурот қолдиради.

Тадбирни Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ғофуржон Ҳамидов кириш сўзи билан очди:

— Тармоқдаги мавжуд 10 та оромгоҳнинг ҳар бирига 1 миллион сўмликдан зиёд турли жиҳозлар совға қилдик. «Чотқол» оромгоҳи ҳам бундан мустасно эмас. Ахир фарзандларимиз қувончи биз учун энг олий мукофот.

Шу куни оромгоҳда фаолият юритаётган тўгарак аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилди. Тадбирда оромгоҳлар раҳбарлари ҳамда таклиф этилган меҳмонлар томонидан болаларга байрам табриклари айтилди.

Гулбаҳор Қобилова, «Чотқол» БСОнинг катта тарбиячиси:

— 15 кунлик дам олиш мобайнида болалар нафақат мириқиб ҳордиқ чиқаришди, балки маънавий дунёқараши ҳам юксалди. Болалар билан ишлаш учун 21 нафар тарбиячи, 17 нафар етакчи жалб этилган. Оромгоҳда «Тасвирий санъат», «Моҳир қўллар», «Рақс», «Инглиз тили» тўгараклари ишлаб турибди. Шунингдек, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўтказилган барча маданий-маърифий, спорт ҳамда кўнгилочар тадбирлар Соғлом бола йилига бағишланган бўлиб, улар болалар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

«Чотқол» дўстларни чорлайди» шиори остидаги санъат фестивали йигирманчи бор ўтказиляпти. Ушбу анъана бундан буён ҳам давом этади.

Энг фаол иштирокчиларга «Чотқол» БСО маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди. Болаларга турли ширинликлар улашилди. Фестивал мезбонлар ижодий гуруҳи томонидан ижро этилган «Ватан» мусиқий композицияси ҳамда «Чотқол» мадҳияси билан якунланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Тошлоқ тумани Заркент қишлоғидаги «Оқ олтин» оромгоҳида болаларнинг кўнгилли дам олиши учун барча қулайлик муҳайё қилинган. Айни пайтда 160 нафар болани ўз бағрига олган масканда 28 нафар ходим турли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш мақсадида бор маҳоратларини ишга солмоқда. Туман ахборот-ресурс марказининг кўчма кутубхонаси оромгоҳда ташкил этилган бўлиб, кутубхона 1200 дан ортиқ қизиқарли бадиий китоблар билан бойитилган.

Кўнгилли ҳордиқ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши фаоллари томонидан ўтказилган «Оромгоҳ юлдузлари — 2014» фестивали, «Камалак» кунлари ҳамда «Камалакнинг етти жилоси» эртагининг намойиши болаларни хушнуд этди. Айниқса, «Қувноқлар ва зукколар» танлови, «Оромгоҳ шаҳзодаси ва маликаси» беллашуви, «Сув шоҳи», «Балли, йигитлару қизлар» каби кўплаб қизиқарли тадбирлар болаларда катта таассурот қолдирди. Оромгоҳда «Бадиий ижодиёт» йўналишидаги 7 турдаги тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Фарзандларимиз завқу шавққа тўла болалик онларини ёзги таътил кунлари сўлим масканда мароқли ўтказишаётир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Намунали туман

Дарҳақиқат, келган меҳмон борки, унинг йилдан-йилга чирой очаётганини, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгарганлигини эътироф этмоқда. Ана шундай суҳбатларга гувоҳ бўлганимизда, ўзимиз ҳам бундан бир неча йиллар олдинги ҳолат билан қиёслаймиз: кечагина йўл бўйларида мунғайиб турган кўримсиз, пастқам бинолар ўрнида ҳозир миллий ва замонавий архитектура услублари уйғунлашган, нозик дид билан барпо этилган кўркам иморатларга кўз ўнгимизда намоён бўлади. Қаёққа боқманг, мевали ва манзарали дарахтлар экилган хиёбонлар, гулзорларни кўрасиз. Қишлоқ ва маҳаллалар, кўча-ю сайилгоҳларнинг саришталигидан диллар яйрайди.

ОБОД, КЎРКАМ ВА ФАЙЗИЁБ ГЎША

Эришилаётган натижаларда, шубҳасиз, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг ҳам ҳиссаси бор. Жамоа шартномалари ва улар орқали ишчи-хизматчилар учун қўшимча имтиёз ҳамда кафолатларнинг белгиланиши, умуман, инсон манфаатлари устуворлиги ютуқлар гарови бўлмоқда.

Кенгаш тизимидаги 19 та бошланғич ташкилотда 7 минг 116 нафар аъзо бор. Жорий йилнинг ўтган даврида сафни кенгайтириш мақсадида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлари жамоаларини касаба уюшмасига жалб қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. 28 та кичик бизнес субъектида учрашувлар ўтказилиб, тўртта нодавлат корхонада фаолият олиб бораётган 30 нафар ишчи-хизматчи тармоқ касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Тўрт марта оммавий маданий, уч бора жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ташкил этилди. Меҳнаткашларнинг санаторийларда дам олиши, уларни соғломлаштириш ишларига 4 миллион 900 минг сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. 14 нафар ишчи-хизматчининг касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларда имтиёзли дам олиши учун йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, 6 та бошланғич ташкилот томонидан вилоятнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда Фарғона водийси бўйлаб саёҳатлар уюштирилиб, унда 165 нафар ишловчи иштироки таъминланди

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталмоқ жоиз. Туман марказидаги турфа гуллар, мевали ва манзарали дарахтларга бурканган «Олтин соҳил» маданият ва истироҳат боғи айни кунларда гавжум. Ушбу маскан жорий йилда туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан реконструкция қилиниб, аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар яратилди. Болалар шаҳарчаси, ёшлар ва қариялар хиёбонларида ҳар куни ҳаёт қайнайди. Боғ ҳудудига 10 минг тупдан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди, 240 кишига мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди. Қатор янги аттракционлар, савдо шохобчалари, муҳташам фаввора ишга туширилди.

Нодавлат сектор билан алоқани мустаҳкам йўлга қўйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу йўл орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлашга эътибор қаратиш касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айни пайтда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида тумандаги маҳаллаларда 190 тадан зиёд савдо ва маиший хизмат шохобчалари ташкил этишга киришилган. Улар йил охирига қадар фойдаланишга топширилади.

Яқинда Қўштепасарой қишлоғи марказида шундай иккита янги мажмуа қад ростлади. Бири тадбиркор Ойбек Йўлдошев томонидан бунёд этилган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси, иккинчиси тажрибали шифокор Аҳмаджон Исроилов ташкил этган «Қўштепа мед сервис» даволаш ва ташхис марказидир. Ҳар икки мажмуада 15 та янги иш ўрни юзага келди. Бундай мисолларни бошқа қишлоқлардан ҳам келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, кенгаш олдида турган вазифалар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, меҳнаткашларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш изчил давом эттирилмоқда.

Зайнобиддин СОТВОЛДИЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
Олтинкўл туман кенгаши раиси



Кўкка бўй чўзган мағрур теракларнинг кумуш япроқлари шабадада майин шивирлаб, оҳиста куйлаётгандек туюлади. Минг йиллик тарихдан сўйлаган азамат чинорлар салқин оғушига олади. Ям-яшил арчазорлар, ажиб гулзорлар, сокин парвоз қилаётган қушлар галаси кўзни қувонтириб, дилга ҳаяжон солади. Юксакликка сачраётган фаввора ором бахш этади. Сатҳи кенг, мовий чўмилиш ҳавзасидаги мавжлар офтоб нурида олтиндек товланади.

БЕТАКРОР ЭРТАКЛАР

Бирдан хаёлни маҳв этган осойишталик салтанати чок-чокидан сўкилиб кетади. Болаликнинг беғубор эртакларига ошно ўғил-қизлар дунёларни унутиб, ўзларини сувга ташлайдилар ва балиқдек суза бошлайдилар. Сал нарида янграган қадрдон қўшиқ беихтиёр кўнгилга оқиб киради ва бетакрор болалигимиз кўчаларига етаклайди.

Ҳар доим бўлсин қуёш,
Ҳар доим бўлсин осмон.
Ҳар доим бўлсин онам,
Ҳар доим бўлай мен.

Биз таърифлаётган «Шифокор» оромгоҳи Булоқбоши тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, 4 навбатнинг ҳар бирида 275 болакайнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган.

Кези келганда, ёз мавсумига жиддий ҳозирлик кўрилганлигини таъкидлаш жоиз. 75 ўринли янги, замонавий ётоқхона биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Мавжуд 5 та ётоқхона, тиббий шохобча ҳамда маъмурий бинолар ҳам капитал таъмирланди.

Ушбу оромгоҳ ҳар жиҳатдан замон талабига жавоб беради. Озиқ-овқат, сабзавот, полиз, сут, гўшт ва гўштли маҳсулотлар, шунингдек, отаоналар олиб келаётган озиқ-овқатларнинг сифатини назорат этиш учун махсус санитария постлари ташкил этилган. Санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, кунлик тайёрланаётган овқатлар сифатининг мунтазам назоратини таъминлаш учун туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан санитария шифокорлари бириктириб қўйилган.

Ўзаро тузилган шартномалар асосида савдо-таъминот идоралари, деҳқон бозорлари, улгуржи савдо базалари, сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, нон ва бошқа кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари етарли, сифатли, кафолатланган озиқ-овқат, нон, булочка, кондитер маҳсулотлари, сабзавот, мевалар, гўшт, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотларни узлуксиз етказиб турибди. Шунингдек, оромгоҳ алоқа воситаси билан таъминланган.

Кутубхона, «Маънавият ва маърифат, компютер хоналари кўнгилдагидек жиҳозланган бўлиб, болажонларнинг севимли масканларига айланган. Мавжуд 8 та тўтаракда машғулотлар олиб борилаётир. Кутубхонада туман ахборот-ресурс маркази ишни режали ташкил этган.

Болалар ўртасида маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар намунали йўлга қўйилган. Вилоят маркази ва Булоқбоши туманидан бадиий ҳаваскорлар келиб, турли концерт ва томоша кечалари уюштиришмоқда. Моҳир ошпазлар пишираётган хушхўр таомлар ўғил-қизларимиз кучига-куч қўшмоқда. Оромгоҳда тиббиёт муассасаси учун алоҳида бино мавжуд бўлиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Дори-дармонлар етарли.

Айтиб ўтганимиздек, чўмилиш ҳавзаси доимо шаффоф кўринишда. Ювиниш хоналари ва бошқа жойлар озода ҳолатда бўлиб, кунлик тозалов, дезинфекция ишлари йўлга қўйилган. Мунтазам уюштирилаётган «Ўзбекистон — ватаним маним», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Озод юртим — обод юртим», «Биз озод юрт фарзандларимиз», «Оромгоҳда маънавият куни», «Ватанимни куйлайман», «Етакчилар беллашуви», «Балли, йигитлар», «Оромгоҳ маликаси» каби оммавий-маданий, маънавий-маърифий, «Кичик олимпиада», «Қувноқ стартлар», «Бўлажак футбол юлдузлари» сингари жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари болажонларни мамнун этаётир.

Сўлим гўшада ўтаётган ҳар бир куннинг ўзига хос фазилати бор. Бу ерда болаликнинг беғубор, бетакрор эртаклари ғоятда қизиқарли кечмоқда.

Азиза АХМАДЕЕВА,
журналист

Бўш вақт — хуш вақт

Ғафуржон эндигина мусиқа ва санъат мактабининг 3-синфини тамомлаганига қарамай, чиройли суратлар чизади. Айниқса, табиат манзараларини тасвирлашда ранглардан нозик дид ва маҳорат билан фойдаланишга интилади. Шу боис юқори синфда ўқийдиган ака-опалари ҳам унга жуда ҳавас қиладилар. Келажакда машҳур мусаввир бўлишни ният қилган болакай ижодга берилган паллада тенгқурлари атрофини ўраб олиб, ҳаракатларини кўз узмай кузатиб туришади.

БОЛАЛАР

Жавоҳир Ғафуржон билан тенгдош. У футбол шайдоси. Мазкур спорт турининг ўзига хос техникасини, тартиб-қоидаларини яхши тушунади. Унинг орзуси келгусида мамлакат терма жамоаси сафида тўп суриш.

Эльвина исмли қизалоқ улғайгач, шифокор бўлиш орзусида, унинг синглиси Наргиза эса, албатта, педагог бўлмоқчи...

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Болалар шаҳарчасида яшаётган мурғак қалб соҳибларининг ҳар бири ҳозирданоқ ана шундай эзгу ниятлар билан келажак режаларини белгилаб олганлар. 2008 йилда ташкил этилган муассасада айни пайтда турли миллатга мансуб, олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 89 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Бу ерда тўла давлат таъминотидаги вояга етмаган болажонлар учун барча шароит муҳайё. Оила муҳитини яратиш мақсадида улар 13 оилада тарбиячи оналар меҳридан баҳраманд ҳолда

Ishonch
2014-yil 5-avgust № 94 (3443)

АЗИЗДИР ИНСОН!

МАҚСАДЛАР САРИ

ВИЛОЯТИ касаба уюшмалари ташкилотларида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «Маънавият куни» деб белгиланиб, «Маънавият соати» машғулотлари ташкил этилди. 184 та меҳнат жамоасида уюштирилган «Соғлом бола — соғлом оила меваси» мавзуидаги суҳбатлар, маънавий-маърифий тадбирлар самарали кечди.

Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрами муносабати билан вилоятдаги 1200 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда оммавий-маданий тадбирлар, кечалар, танлов ва концертлар ташкил этилди. Наврўз арафасида 200 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Санъатим сенга, обод юртим» шиори остида кўрик-танлов ўтказилди. Шунингдек, маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида ўтказилган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ҳам эсда қоларли бўлди. Касаба уюшмалари томонидан турли касб эгалари орасидан малакали ва фидойи мутахассисларни танлаб олиш, уларни рағбатлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг май-июн ойларида «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг 1-ва 2-босқичи ташкил этилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан кўплаб спорт тадбирлари ташкил этилаётир. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан чегарачи ҳарбий хизматчилар ўртасидаги спорт мусобақаси, корхона, ташкилотларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси соврини учун Соғлом бола йили ҳамда Хотин-қизлар кунига бағишланган «Соғлом бола — соғлом она» шиори остидаги тармоқлараро вилоят аёллар спартакиадаси шулар сирасидандир. Касаба уюшмалари соврини учун ҳаваскор велоспортчилар ўртасидаги «Касаба-тур» веломарафони муваффақиятли ташкил этилди.

Айни чоғда андижонликлар мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ байрамини улкан зафарлар билан кутиб олиш тадорикини кўраётир. Улуғвор юмушларни адо этишда касаба уюшма аъзолари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда.

«Ўз-Донг Жу Пэинт Ко» МЧЖда ташкил этилган резина жипсловчи қисмлар ишлаб чиқариш цехи 240 минг комплект (Спарк, Ласетти, Нексия, Матиз, Дамас) автомобиллар учун резина жипсловчи қисмлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, унга 4,4 млн. доллар миқдорида инвестиция жалб қилинди. Машина ва асбоб-ускуналар Жанубий Кореядан сотиб олинди.

■ Нодавлат сектор

ИШ БЕРУВЧИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Цех ишга тушиши муносабати билан 200 киши иш билан таъминланди. Меҳнат аҳли бор жойда касаба уюшма ташкилоти ҳам бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, цехда касаба уюшма ташкилоти тузилди ва иш берувчи билан касабақўм ўртасида жамоа шартномаси имзоланди.

— Ишчи-ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномаси асосида фаолият юритяпмиз, — дейди цех бошланғич касаба уюшма етакчиси Фарҳод Марайимов. — Иш жойлари қулай ва соз. Меҳнат ва техника муҳофазаси қатъий назоратга олинган. Ишловчиларимизнинг ишга бориб-келиши учун махсус автобуслар ажратилган. Тушлик бепул. Ҳар куни ишчи-ходимларга сут-қатиқ тарқатилади. Улар мавсумий иш кийимлари билан таъминланган. Дам олиш хоналари талабга жавоб беради. Душ ишлаб турибди. Тиббий шохобчада дори-дармонлар етарли, малакали шифокор ҳамиша тиббий ёрдамга шай. Маънавият хонасида ҳар ойнинг биринчи ва учинчи чоршанба кунлари маънавият дарслари ўтказилади.

Ҳақиқатан, жамоа аҳли яхши-ёмон кунларда бир-бирларига камарбаста. Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва корхона ташкил этилган кун ҳар йили катта тантана қилинади. Илғор ва ташаббускор кишилар рағбатлантирилади. Шунингдек, қолган ишчиларга маошдан ташқари мукофотлар берилади.

Меҳнат жамоасида соғлом муҳитни ташкил этиш учун турли спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Ходимларнинг саломатлигини тиклаш масаласи кун тартибидан тушмай келаётир. Бу йил меҳнаткашларнинг 30 дан зиёд ўғил-қизи сўлим оромгоҳларда дам олдирилди. Ҳар йили ёзда цех жамоаси Наманган вилоятининг Нанай қишлоғида уч кун ҳордиқ чиқаради. Айни чоғда жамоа аҳли мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудида.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

■ Ижодкорлик

Пахтаобод туманидаги 31-етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар мактаб-интернатига қадам қўйсангиз, мўъжизалар оламига кириб қолгандек бўласиз. Ушбу даргоҳда 286 бола таълим-тарбия олмоқда.

МЎЪЖИЗАЛАР ОЛАМИ

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар беихтиёр эътиборимизни тортади. Расм-чизмачилик тўгараги раҳбари Обиджон Умаров шогирдлари билан бирга мактаб-интернат ҳовлисида ғаройиб боғ яратган. Буни қарангки, сунъий шаршара, 30 хилдан зиёд гуллар гўё табиийдек кўзингизни қувнатади. Тошчалардан ясалган ҳовузчаларда жимирлаётган шаффоф сув кўнгилга ҳаяжон солади.

Таълим муассасаси раҳбари Ботиржон Эргашевнинг айтишича, ушбу боққа ҳавас қилаётганлар сероб. Эндиликда Обиджон Умаров шогирдларини ёнига олиб, атрофдан тушаётган буюртмаларни бажариш ниятида.

Режиссёрлик маълумотига эга Бураҳимахон Ҳайдарова бошқош бўлган «Ниҳол» қўғирчоқ театри ҳақида ҳам сўз юритиш жоиз. Айни пайтда театр жамоаси репертуарида 10 дан зиёд спектакл бўлиб, улар «Санъат ғунчалари» танловида муваффақиятли иштирок этишаётир. Қўғирчоқ театри томошалари мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган кичкинтойларга ҳам ёқаяпти. Айниқса, «Бирлашган ўзар» эртаги асосида яратилган спектакл барчага маъқул бўлди.

Ўз мухбиримиз

■ Меҳнат муҳофазаси

КУН ТАРТИБИДАГИ МУҲИМ МАСАЛА

Андижон туманидаги Ҳақан қишлоғида жойлашган «Фусункор» МЧЖ энергетика тизимида авария ҳолатларини камайтириш мақсадида зарур бўлган импорт ўрнини босувчи ҳимоя воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

МЧЖда 58 киши меҳнат қилади. Иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига биноан меҳнат аҳлининг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари тўла кафолатланган. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тузилган битимга асосан ҳар бир ишчи-ходимнинг касбий билимини ошириши, лавозим йўриқномаларига амал қилиши назоратга олинган. Малакали мутахассислар иштирокида ташкил этилаётган ўқув-семинарлар фойдали бўлаётир. Ўтган йилнинг ўзида ишловчилар 11 млн. 640 минг сўмлик махсус кийим-кечак, 7 млн. 400 минг сўмлик шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланди. Ишчиларга ҳар куни бир маҳал иссиқ овқат ва сут-қатиқ берилаётир.

Саломатлик — кун тартибидаги асосий масалалардан. Жамоа ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиляпти. 20 нафар ходим турли санаторийларда соғлигини тиклади. 56 киши Наманган вилоятининг «Кўксарой» дам олиш масканида 3 кун ҳордиқ чиқарди. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ишчилар оилавий суғурта қилинди. Ишловчиларга муносиб меҳнат шароити яратилди. Қатор ишлаб чиқариш бўлимларига янги иситиш тизими ўрнатилди. Замонавий тежамкор иситиш қозонлари ишга туширилди.

Ишчиларни моддий рағбатлантиришга-да катта аҳамият берилаётир. Ўтган йил 34 млн. сўм миқдорида мукофотлар олиб, жамоа аҳли мамнун бўлганди. Бу йил ҳам бундай эзгу иш давом этаётир. Жамоа шартномасига асосан ишловчилар меҳнат таътилига қўшимча таътил кунлари бериляпти. Иқтисодий кўмакка муҳтож ходимларга имкон қадар моддий ёрдамлар кўрсатиляпти. Иш ҳақи ўз вақтида тўланмоқда.

Айтганча, бандлик масаласи ҳам четда қолаётгани йўқ. Андижон ахборот-технологиялари касб-ҳунар коллежи билан имзоланган шартномага кўра, ушбу коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўташмоқда. Амалиёт жараёнида бўлажак ишчилар саралаб олиниб, ишлаш истагини билдирган битирувчилар иш билан таъминланяпти.

Жамиятда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг нуфузи юқори. У ҳар бир ишловчи ҳаётида муҳим ўрин тутаётир. Касаба уюшма саъй-ҳаракатлари туфайли «Меҳнатни муҳофаза қилиш» кўрик-танловида иштирок этилиб, вилоятда биринчи, республика босқичида эса иккинчи ўринга сазовор бўлинди.

Азиза ҚОРАБОЕВА

■ Тадбирли кишилар

Андижон туманининг Хартум қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Паноҳ люкс сервис» хусусий корхонаси истеъмол бозорига ўзининг сифатли, рақобатбардош болаларбоп спорт буюмлари билан дадил кириб келган тадбиркорлик субъектларидан. Корхона ўтган йили ички бозорнинг ўзида 120 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотишга эришди. Дастлаб ўз хонадонида уч турдаги спорт буюмлари тикишдан иш бошлаган Зафарбек Абдураҳимов 2009 йилда хусусий корхона ташкил этиб, туман бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида «Микрокредитбанк»дан 11,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олди. Бу маблағга тикув машиналари, хомашё харид қилинди. Натижада, тадбиркор қишлоқдаги ишсиз хотин-қизлар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан бир гуруҳини иш билан таъминлашга эришди.

ОМИЛКОРЛИКДА ГАП КЎП

— Тадбиркорликка берилаётган катта имтиёз ва имкониятлар фаолиятимизга самарали таъсир кўрсатяпти, — дейди у. — Очиғи, қонунчилигимизда қайд этилган мустаҳкам ҳуқуқий асос манфаатимизни ҳар томонлама кафолатлаяпти. Шу боис янгиликка интилиш, астойдил изланиш, харидорларга арзон, сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулот етказиб бериш, биз учун бош вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўтган беш йил ичида фаолиятини мунтазам кенгайтириб бораётган жамоада тайёрланаётган буюмлар сони Соғлом бола йилида 17 турга етказилди. Эндиликда ички бозорга курашчилар кийимлари, бокс қўлқоплари, спортчилар учун бинт, футбол, волейбол тўплари, ҳаракат аъзолари хасталанган болаларни тиббий реабилитация қилишда фойдаланиладиган махсус копток каби болаларбоп маҳсулотлар таклиф этила бошланди. Бу ишда тадбиркорга банкнинг 80 миллион сўм кредити эвазига хориждан келтирилган 15 та замонавий тикув машинаси қўл келди. Натижада, маҳалладошлардан яна 12 нафарининг бандлиги таъминланди.

— Зафарбек суяги меҳнатда қотган, ўзининг мустақил фаолиятини бошлашдан аввал пойабзал ишлаб чиқарувчи турли корхоналарда пухта билим ва тажриба тўплаган ёшлардан, — дейди Хартум қишлоғи «Гузар» МФЙ раиси Муҳсинжон Юсупов. — Унинг ўнлаб аёлларни иш билан таъминлаганлиги, элу юрт хизматига доимо шай туришидан қишлоқдошларимиз мамнун.

Айтишга осон, аммо бугун ички бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш, айниқса, спорт буюмлари етказиб беришда ўзига хос рақобат майдони бор. Бу майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаш, доимий харидорларга эга бўлиш тадбиркордан катта билим ва салоҳият талаб этади. Зафарбек Абдураҳимов етакчилик қилаётган жамоанинг яқинда «№Воп§Уап§Со» қўшма корхонаси билан 120 миллион сўмлик ҳамкорлик шартномаси тузганлиги, буюртмачи томонидан тақдим этилган қўшимча ускуналар ва хомашё эвазига «Паноҳ люкс сервис» бир йил давомида спорт буюмлари етказиб бериш мажбуриятини олгани ҳам унинг изланувчанлиги белгиси. Шу кунларда амалга татбиқ этилиши кутилаётган мазкур лойиҳанинг рўёби эса яна қўшимча 20 та иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

Н.САИДВАЛИЕВ

ШАҲАРЧАСИДА

яшаяпти. Ҳар бир хонадон ўзининг замонавий уйига эга.

Болажонлар шаҳардаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда Марҳамат ва Олтинкўл туманларидаги давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида таҳсил оладилар.

Тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида шаҳарчада спорт майдонлари, ёзги ва қишки бассейн, амфитеатр барпо этилган. Ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, турли адабиётлар билан бойитилган кутубхона уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қиляпти.

— Бу йил тарбияланувчиларимиздан 15 нафари мактабни тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўйди, — дейди Болалар шаҳарчаси директори Дурдонахон Мўминова. — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ўтказилган тадбирлар доирасида битирувчиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Гўзалликка, санъат ва спортга ошно болалар мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир муҳим санага қизғин ҳозирлик кўрадилар. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами муносабати билан бугун бу ерда ташкил этиладиган тантанага тараддуд авжида. Меҳмонлар ҳузурида тақдим этиладиган дастурдан саҳна кўринишлари, қўшиқ, рақс ва шеърлар ижроси, «Қувноқлар ва зукколар» жамоаларининг беллашувлари, спорт чиқишлари ўрин олади.

Болалар шаҳарчасидаги имконият, шарт-шароит ва муҳит чиндан-да ўзгача. Бунга жавобан тарбияланувчилар ҳам мақтанса арзигулик натижаларга эришмоқда. Жумладан, Муҳаббат Каримова Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритди. «Шодиёна» рақс дастаси уч бор «Янги авлод» кўрик-танловида совриндор бўлди. Қолаверса, мазкур Болалар шаҳарчаси республикамиздаги «Меҳрибонлик» уйлари ўртасида ўтказилган танловда намунали маскан сифатида биринчи ўринни эгаллаган.

Ёзги таътил даврида тарбияланувчилар Андижондаги ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Қизиқарли тадбирлар, танлов ва беллашувларга бой бўлган Соғлом бола йили уларнинг ёдида бир умр сақланиб қолиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Шарофат НОРҚУЛОВА ва Нурилло НЎЪМОНОВ тайёрлади.

Савол: Меҳнат шароити ўта зарарли ишда 26 йил ишладим. Ҳозир 52 ёшдаман. Мен имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгаманми?

Б.КУРЯЗОВ,
Нукус тумани

Жавоб: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига, ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган эркаклар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда, аёллар — иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда эга бўлади.

Савол: Кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронлари шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгами?

А.САПАРБОЕВА,
Тўрткўл тумани

Жавоб: Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 29 январдаги 2-сон буйруғи билан тасдиқланган Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомининг 6-бандига, «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, қуйидаги шахслар шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобил АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.

Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга гувоҳнома берилмайди. Улар ҳарбий гувоҳномаси ёки контракт асосида хизмат қилувчининг шахсий гувоҳномасини кўрсатган тақдирда шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Саволларга Нукус шаҳар 5-давлат нотариал идораси нотариуси Замира АРЗИМБЕТОВА жавоб берди.

Савол: Битим нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

А.РАҲМОНОВ,
Жиззах тумани

Жавоб: Битим деб Фуқаролик кодексининг 101-102-моддаларига асосан фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Савол: Битимлар қандай тартибда нотариал тасдиқланади?

М.АБДУЛЛАЕВ,
Жиззах шаҳар

Жавоб: Фуқаролик кодексининг 110-моддасига асосан битимни нотариал тасдиқлаш ушбу кодекснинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;

2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Саволларга Жиззах тумани 1-давлат нотариал идораси нотариуси И.НУРИДДИНОВ жавоб берди.

Савол: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳга кириши ҳақида батафсил маълумот берсангиз?

И.МУБОРАКОВ,
Зомин тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар оилавий муносабатларда мамлакатимиз фуқаролари билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари Оила кодексининг 234-моддасида ўз аксини топган.

Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар республикамиз фуқаролари билан бир қаторда чет эл фуқаролари учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра, Оила кодексининг 13-17-моддаларида белгиланган нормаларга зид ва никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлса, никоҳни қайд этишга йўл қўйилмайди.

Масалан, агар чет эл фуқароси никоҳ ёшига етмаган бўлса, Ўзбекистон фуқароси билан никоҳ муносабатларига киришишига йўл қўйилмайди, шунингдек, чет эл фуқаросининг ўз ватанида кўп никоҳлилик тақиқланмаган ва у бошқа никоҳда бўла туриб, Ўзбекистон фуқароси билан оила қуриш истагида бўлса, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ бундай никоҳга рухсат этилмайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон фуқароси билан чет эл фуқароси ўртасида никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар йўқлиги ФҲДЁ органи ходимлари томонидан аниқланади ва буни тасдиқловчи ҳужжат талаб қилиб олинади.

Никоҳ шахсан никоҳга кирувчиларнинг иштирокида, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органга ариза берган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин тузилади.

Тиббий кўрикдан ўтказиш учун берилган йўлланмалар ФҲДЁ органларида никоҳ тузиш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарида қайд этилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳланаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг вақтинча яшаш жойида тиббий кўрикдан ўтадилар.

Яна бир муҳим ҳолат, МДҲ мамлакатлари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг хорижда яшовчи фуқароларининг никоҳини қайд этишда агар ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина амалга оширилади.

Саволга Зарбдор тумани ФҲДЁ бўлими мудираси М.ОРТИҚОВА жавоб берди.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 5-avgust № 94 (3443)

Фидойилар керакдир юртга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Аммо, лекин қойил қилишган, — дейди Қамар бобо муаззам Ер шари теграсида дилбандини бағрига босиб турган онанинг жигаргўшасига меҳр билан боқиб турган тимсолидан кўз узолмай. — Аслида, бу дунёда боласини бағрига босиб эркалаётган онадан бахтиёр ва гўзал тимсол йўқ! Ҳатто фаришталар ҳам фарзандига меҳр бераётган онани томоша қилишаркан.

Бахтиёр она ҳайкалидаги Она — Ўзбекистон эканлиги, унинг қучоғидаги бола бахтиёр ҳаётимизнинг рамзий ифодаси. Ер шари, ундаги мамлакатимиз харитаси юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва улар билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосидаги муносабати акс этганлигини отахонга тушунтирмоқчи бўламан.

Отахон эса қулиб сўзларимни астойдил эшитади.

— Кечагидек ёдимда, — дейди сўнгра бироз маюслашиб. — Мустабид тузум даврида — қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойига келганимизда бу ерда қўлини чўзиб турган «даҳо»нинг ҳайкали бўларди. Ўша ҳайкалнинг пойига гул қўйганмиз...

Отахоннинг нигоҳида пайдо бўлган изтиробни ҳис қиламан. Унинг маърифатпарвар отаси Эргашбой ҳам хўл-қуруқ баробар ёнган — машъум йилларда қатағон қилинган. Отасидан айрилгани етмагандек, ёш Қамар уй-жойи-ю мол-мулкидан ҳам жудо бўлиб, икки опаси ва онаизори билан амакисининг уйида минг бир азобда яшади. Эртадан кечгача меҳнат қилса ҳам роҳатини кўрмади. Фақат истиқлол унинг жароҳатли қалбига малҳам бўлди. Отасининг номи тикланди. Падарининг олис юртларда қолган қабрини топиб, тупроғидан олиб келиб, онасининг қабри ёнига қўйдирди.

Фикримни уққандай Қамар ота шундай дейди:

— Отам орзу қилиб етолмаган кунлар бизга насиб этди — ер ўз эгасига қайтди, болаларимиз билимли бўлди, эл ўз меҳнати роҳатини кўрадиган кунлар келди. Отамнинг умидлари неваралари мисолида ушалганидан хурсандман. Агар отам ёки бир умр кўрқиб, ҳадиксираб яшаган онагинам юртимиздаги бу каби эзгу ишларни, истиқлол туҳфаларини кўрганида, билмадим, қувончдан юраклари ёрилиб кетармиди. Нима бўлганда ҳам у кунлар тарихда қолгани рост бўлсин! Шукр қиламизки, бизга Озодлик шукуҳи, истиқлол нашидасини суриш насиб этди.

Ёшим бир жойга бориб қолган бўлса-да, юртимизда бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, ёшлар ҳаётидаги ютуқ ва муваффақиятларни кузатиб бораман. Халқимиз бежизга одам яхши кунларни кўриб яшаради, демаган. Президентимиз жасорати ва шижоати билан Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган кунда шундай севингандимки, гўё бу қувонч мени бир неча ёшга яшартириб юборди. Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, яна бир бора яшардим. Ахир биз қаҳатчилигу уруш кўрган кекса авлод вакиллари тинчлик ва ҳаёт қадрини, айниқса, нонинг қадрини теран идрок этамиз. Ўз далангда етиштирилган ҳосил нонининг таъми бошқача бўлади-да!..

Соат алламаҳал бўлишига қарамай, Бош майдонимиз гавжум. Зиёратчиларнинг аксарияти ёшлар. Сон-саноқсиз чироқлар билан зийнатланган бу гўша кундуз каби чароғон. Муҳташам Сенат биноси эртаклардагидек оппоқ ва чиройли, йўлакларда анвойи фавворалар вақти-вақти билан сув пуркаб туради.

Ҳар куни пойтахтимизнинг Бош майдонини минглаб юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар кўради, улар худди Қамар бободек завқланиш баробарида бизнинг кимлигимиз, қандай улуғ зотларнинг авлоди эканимиз ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди.

Тунги сайрдан завқланиб қайтган Қамар ота кўрганларини бир гап билан изоҳлади:

— Буларнинг бари Эзгулик излари.

Бу сўзлар замирида истиқлоли истиқболи билан чамбарчас халқ вакилининг иқрори мужассам эди. Табаррук отахонга қўшилиб, Эзгуликка из қўйган яхшилар омон бўлсин, деб ният қилдик.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги олдидан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида пойтахтдан келган шоир ва ёзувчилар, олимлар, журналистлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

Тадбирда вилоятда энг улуғ, энг азиз байрамга кўрилаётган тайёргарлик, жойларда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритилди.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, мустақиллик ҳар бир юртдошимиз ҳаёти, турмуш тарзида туб бурилиш ясаганини алоҳида таъкидлади. Шу боис маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ўтказилаётган тадбирларда истиқлолнинг ҳар бир инсон, оила, ҳудуд ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини жонли мисоллар орқали, кечаги кун билан таққослаган ҳолда ўтказиш ҳамда бунда «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқат устувор аҳамият касб этиши зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида самарқандлик ижодкорлар билан бўлган учрашувда мамлакатимизда адабиётга, ижод аҳлига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Бундай эътибор туфайли кейинги йилларда самарқандлик ижодкорларнинг кўплаб янги китоблари нашр этилди. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида вилоятда ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар асарларидан иборат тўпламлар чоп этиш анъанага айланди. Бу йил ҳам Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги олдидан «Ёшлар китоби» ҳамда Соғлом бола йилига бағишланган шеърий тўпламлар тайёрланди.

Регистон мажмуасидаги Улуғбек мадрасасида «Камолот» фаоллари, ёшлар вакиллари билан учрашувда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган дастур ижроси юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишларга қаратилди. Бевосита савол-жавоб тарзида ташкил этилган мулоқот чоғида йигит-қизлар ўз ғоя ва ташаббусларини билдириш баробарида ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олди.

Оқдарё туманидаги Пўлатдархон маҳалласида замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйлар, маҳалла гузари, мини-маркет, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ижодкорларда катта таассурот қолдирди.

ЎзА

Ёз — 2014

Азамат чўлқуварлар, соҳибкор боғбонлар, заҳматкаш чорвадорлар маскани бўлмиш Жиззах воҳасининг тоғли ҳудудлари ўзининг арчазорлари, сўлим сойлари, салқин ҳавоси билан маълум ва машҳур. Бу гўшаларда ўнлаб болалар оромгоҳлари жойлашгани ҳам бежиз эмас. Ҳозиргача вилоятда мактаблар қошидаги 54 та оромгоҳда 4925 нафар, шаҳар ташқарисидаги 14 та стационар оромгоҳларда 3,5 мингга яқин болажон мириқиб ҳордиқ чиқаришди ва соғломлаштирилди.

Ҳомийлар кўмагида мавсумга бутунлай ўзгача ҳозирлик ва тараддуд билан киришган Амир Темур номли оромгоҳ раҳбари Маҳбуба ШУКУРОВА қуйидагиларни сўзлаб берди:

Арчазорлар қўйнида, сўлим гўшада...

— Зоминнинг сўлим масканида жойлашган Амир Темур номли болалар соғломлаштириш ва дам олдириш оромгоҳи анча йиллар аввал қурилган бўлиб, ўтган даврда анча таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Шу боис Даштобод пахта тозалаш корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Турғун Ўскановнинг айтишича, ҳар йили корхона тасарруфидаги ушбу оромгоҳни мавсумга тайёрлаш учун жуда кўп меҳнат ва анча маблағ талаб қилинарди.

«Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси»га мувофиқ юртимизда қилинаётган савобли ишлар қаторида Амир Темур номли оромгоҳда ҳам жорий йилда «Ўзпахтасаноат» бирлашмаси томонидан катта ҳажмдаги капитал реконструкция ишлари амалга оширилди.

Уч гектар майдонни эгаллаган оромгоҳ ҳудудига замонавий дизайн асосида янги кўриниш берилди ва ободонлаштирилди, барча хоналар замонавий мебел, маиший техника воситалари, ошхона анжомлари билан жиҳозланди.

Мавсумнинг ҳар бир босқичида 150 болани ўз қучоғига олувчи ушбу оромгоҳда жорий йилда 450 нафар болажон мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

— Пурвиқор тоғлар бағридаги «Уобсой» қишлоғида Шароф Рашидов номли болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда, — дейди унинг раҳбари Б.Ашурматов. — Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилга мўлжалланган Манзилли дастурига киритилгач, оромгоҳ тўлиқ капитал таъмирланди.

Жорий йилда қўшимча қурилиш ишлари амалга оширилиб, болалар учун сузиш ҳавзаси, тўгараклар учун павильон, ёзги ошхона, маънавият ва маърифат хонаси ҳамда кутубхонани ўз ичига олган маъмурий бино қуриб битказилди.

2,9 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳ ҳудуди замонавий дизайн асосида ўзгартирилиб, ободонлаштирилди, барча хоналар энг замонавий мебел, маиший техника воситалари, ошхона анжомлари билан жиҳозланди.

Ушбу оромгоҳда ёз мавсумининг ҳар босқичида 100 нафардан, жами 400 нафар болажоннинг мароқли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

«Аъло истеъдодларни излаймиз» кўрик-танлови, «Оромгоҳ юлдузлари» санъат турлари бўйича танлов, «Сирли оромгоҳ» интерфаол ўйинлари болаларнинг санъат турларига бўлган қизиқишларини оширмоқда. «Соғлом турмуш тарзи» шиори остида семинар-тренинг машғулотлари, «Соғ танда — соғлом ақл» спорт турлари бўйича ўтказилаётган тадбирлар барчага манзур бўлмоқда.

Султонбек АБДУСАЛОМОВ

«Соғлом оила» шиори остида

Қаддимизни ростлаймиз...

Андижон шаҳрида «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкиллаштирилган беллашувда 18 жамоа қатнашди.

Иштирокчилар югуриш, акробатика, чаққонлик ва мерганлик эстафетаси, кўпкураш, «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз» сингари спортнинг 8 тури бўйича куч синашди.

Қизғин баҳслар якунига кўра, Балиқчи туманидан Абдуғаффор Турғунов ҳамда қўрғонтепалик Музаффар Аҳмедов оилаларига биринчилик насиб этди. Улар мусобақанинг ҳудудий босқичида Андижон вилояти шарафини ҳимоя қиладилар.

Ғолиблар ҳамда фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳаммаси оммавийликдан бошланади

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган спартакиадада тармоқда меҳнат қилувчи 198 нафар ходим қатнашди.

Спортнинг бешта тури бўйича ўтган мусобақалар якунида мини футбол бўйича вилоят «Иссиқлик манбаи» ОАЖ жамоаси 1-ўринни, Шайх-Али маиший хизмат кўрсатиш коллежи жамоаси иккинчи, «Cotton Road» қўшма корхонаси вакиллари эса учинчи поғонани эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида кечган волейбол беллашувларида Қарши шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК, вилоят ёнғинга қарши кураш жамияти, Косон маиший хизмат коллежи жамоалари шоҳсупани банд этди.

Шахмат баҳсида Ғузор нефт-газ саноати коллежи ўқитувчиси Маҳкам Қурбонов, шашка бўйича Қарши шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК ишчиси Мадина Ҳакимова зафар қучди. Оилавий мусобақаларда ҳам ДУК жамоаси фаоллик кўрсатди.

Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, «Ғалабага бўлган интилиши», «Энг моҳир ҳужумчи», «Энг фаол иштироки учун» номинацияларида пешқадамлари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт оламида

Теннис

Юртимизнинг иккинчи рақамли теннисчиси Фаррух Дўстов Канаданинг Ванкувер шаҳрида ташкил этилган «Челенжер» туркумига кирувчи халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК

Биринчи даврада мезбонлар вакили Райан Уилямсни 6:0, 3:6, 6:4 ҳисобида мағлуб этган Фаррух, иккинчи учрашувни италиялик Андреа Коллари билан ўтказиб, 6:2, 6:2 ҳисобида устун келди.

Чорак финалда корт эгаси — Аустин Кражисекни 4:6, 6:1, 6:0 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўл олди. Бу босқичда Фаррух Жеймс Вардни 7:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ҳал қилувчи финал баҳсида вакилимизга тажрибали теннисчи Маркос Богдатис (Кипр) рўбарў келди. Учрашувда 6:7, 3:6 ҳисоби қайд этилди.

Футбол

Осиё футбол конфедерацияси шу йилнинг 9-23 октябр кунлари Мянмада бўлиб ўтадиган U-19 ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати ўйинлари тақвимини тасдиқлади.

ТАҚВИМ ТАЙЁР

Унга кўра, Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон U-19 ёшлар терма жамоаси гуруҳ босқичи 1-тур ўйинида Янгон шаҳридаги стадионда Индонезия ёшларига (соат 14:00) қарши тўп сурадилар.

Мусобақанинг «В» гуруҳидан жой олган вакилларимиз 2-турда БАА (соат 17:00), 3-турда эса Австралияга (17:00) қарши майдонга тушадилар.

Таэквондо

Рим шаҳрида таэквандо бўйича якунига етган Жаҳон чемпионатида вакилларимиз бир олтин, икки кумуш, икки бронза медалини қўлга киритди.

ХУШХАБАР КЕТИДАН ХУШХАБАР

Дунёнинг 43 мамлакатидан келган 500дан ортиқ жангчи иштирокида ўтган турнирда шоҳсупага кўтарилиш ҳеч бир спортчи учун осон кечгани йўқ.

Тиль баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Артем Ли олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, вакилимиз массоги беллашувларида кумуш медални ғазнамизга қўшиб қўйди.

Яна бир иқтидорли жангчимиз Бахтиёр Одилов массогида кумуш, Жаҳонгир Рашидов ва Диёр Шавкатов эса бронза медаллари билан тақдирланди.

Кишини қувонтирадиган яна бир янгилик шуки, Халқаро анъанавий таэквандо федерацияси конгресси 2015 йилда Тошкентда, навбатдаги Осиё чемпионати эса Фарғона водийсида ўтказиладиган бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёшлар овози

ИМКОН БИЗНИКИ!..

«Эҳ, қанийди, ҳозир ёш бўлиб қолсам» деган ўкинчи катталардан кўп эшитамиз. Албатта, ҳар бир киши ўзининг беғубор болалигини қўмсаши табиий ҳол. Аммо эътироф этиш керакки, нуронийларимизнинг ҳавасини келтираётгани, бу кўпроқ давлатимиз томонидан биз ёшларга берилаётган имкониятлардир. Ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланаётган кўплаб ёшлар кўзлаган мақсадига эришиб, буюк аждодларга муносиб ворис эканликларини амалда исботламоқда.

Шукрки, ўз билим ва тафаккурини бойитиб, жамиятимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, умуман, улкан ютуқларга эришаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир.

Ўйлаб кўринг, биз севган, дунё ардоқлаётган буюк аждодларимиз илм чўққиларини қай тарзда забт этишган. Масалан, академик Ҳабиб Абдуллаев Тошкентга биттагина оёқ кийими — этигини «Қишда киярман», деб елкасига ташлаб келган экан. Саъй-ҳаракатлари, интилишлари, чеккан заҳматлари зое кетмади. Кимсан ер илмининг донишманди бўлиб етишди. Ўша кунларни ҳозиргиси билан солиштириб бўлмайди. Бугунги ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун қанча кутубхона, марказлар ишлаб турибди. Ҳар қадамда интернеткафелар. Интернет тармоғи орқали излаган китоб, мақола, ҳуқуқий-норматив ҳужжат, умуман, исталган манбанинг номини ёзиб, «қидирув» тугмасини босишнинг ўзи кифоя. Шундан сўнг бир неча дақиқадаёқ мавзуга оид турфа хил маълумотлар мониторда намоён бўлади. Шундай осон ва тезкорлик билан маълумотга эга бўлиш мумкинлиги эса бугуннинг ҳақиқатидир.

Имкон бугунги ёшлар қўлида. Билим эгаллашига, ҳунар ўрганишига уларга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Яратилган шароитдан унумли фойдаланиш талаб қилинади холос.

Вақт — учар қушдир. Уни тўхтатиш учун Сиз вақтингизни қандай сарфлаяпсиз, азиз тенгдошим?

Қундуз СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳри

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 20.40
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 818 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4